

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалбимизда яшайдилар



09:55 / 31.10.2019 2627

Расулulloҳ сизни нега севишимизнинг сабаби:

- 1) Мен сизни севаман, чунки Аллоҳ таоло сизни севади шунинг учун ҳам севаман.
- 2) Мен сизни севаман, чунки сизни севгингиз ибодатларнинг энг афзали бўлган Аллоҳнинг ибодатига яқинлаштиради.
- 3) Мен сизни соғиниб сизни ўзимга яқин ҳис қилиб севаман.
- 4) Мен сизни севаман, шунинг учун Аллоҳдан сизни тушимда кўришни дуо қиламан.

- 5) Мен сизни Аллоҳ таоло сиз билан мени фирдавс жаннатида бирга қилиши учун севаман.
- 6) Мен сизни севаман, чунки сизнинг сийратингиз менинг ҳаётимдаги амалларимнинг дастури амалидир.
- 7) Мен сизни севаман, чунки сизнинг сийратингиз Қуръони каримдаги оятларнинг татбиқидир.
- 8) Мен сизни севаман, чунки сизнинг ҳаётингиз дин ва ахлоқдир. Ким сизга эргашса Аллоҳ уни азиз қилади, ким сизга қарши чиқса Аллоҳ уни хор қилади.
- 9) Мен сизни севаман, чунки сизнинг амалларинингиз ва сўзларингиз ҳидоят ва нурга тўладир.
- 10) Мен сизни севаман, чунки сизнинг сўзларингиз биз учун икки дунёда ҳам фойдалидир.
- 11) Мен сизни севаман, чунки сиз бизни роҳатланишимиз учун қанчадан қанча қийинчиликларни бошдан ўтказдингиз. Рисолатни етказиб омонатни адо этдингиз.
- 12) Мен сизни севаман, чунки сизнинг сийратингиз ҳаётимизга татбиқ қилиш учун бизга намунадир.
- 13) Мен сизни севаман, чунки Аллоҳ таоло сизни бизга гўзал намуна деган ва бизни сизга салоту саломлар айтишга буюрган.
- 14) Мен сизни севаман, чунки Аллоҳ таоло сизни бизга нур, меҳрибон ва раҳмли қилган.
- 15) Мен сизни севаман, чунки сиз бизни шафоатчимиз, Аллоҳ таолони йўлига бошловчимиз ва йўл кўрсатувчи нурли чироғимизсиз.
- 16) Мен сизни севаман, чунки сизнинг сийратингиз қиссаларнинг энг чиройли ва аълосидир.
- 17) Мен сизни севаман, чунки сизнинг сийратингиз дунё сўзларининг энг ҳикматга тўласидир.
- 18) Мен сизни севаман, чунки вафот этган бўлсангиз ҳам сизни севиш улуғлигингиз белгисидир.

- 19) Мен сизни севаман, чунки сизнинг севгингизда Аллоҳ таолони ҳузуридаги даражангизни қанчалик эканлигини билишлик бор.
- 20) Мен сизни севаман, чунки Аллоҳ таоло сизга ўз исмидан берди ва сизни ўзига яқинлаштирди.
- 21) Мен сизни севаман, чунки сиз инсонларнинг саййиди ва роббул алабийинни ҳабибисиз.
- 22) Мен сизни севаман, чунки сизнинг ҳаётингиз, мамотингиз, зикрингиз, ҳатто сизга саловат айтиш ҳам биз учун хайрли амалдир.
- 23) Мен сизни севаман, чунки сизнинг сийратингиз Қуръондир, биз ундан англаб ололмаган нарсамизни сизни сийратингиз орқали фаҳмлай оламиз.
- 24) Мен сизни севаман, чунки сиз ҳеч қачон ёмонлик қилмадингиз ва бизни ундан қайтардингиз, доимо яхшилик қилдингиз ва бизни унга чақирдингиз.
- 25) Мен сизни шахсиятингизни танишга ҳаракат қилган ҳолда севаман, гарчи тўлиқ англай олмасам ҳам.
- 26) Мен сизни севаман, чунки сизнинг намунали ахлоқингиз бизга одобни, ибодатингиз қандай ибодат қилишни, карамлигингиз бизга карамли бўлишни ўргатади.
- 27) Мен сизни севаман, чунки сиз ҳар вақт ҳар нарсада ҳар кимдан устунсиз.
- 28) Мен сизни қиёмат кунида қўлингиздан кавсар сувини ичиш учун севаман.
- 29) Мен сизни қиёмат куни сизнинг дўстларингиз қаторида бўлиш учун севаман.
- 30) Мен сизни жаннатул фирдавсда сизга қўшни бўлишни умид қилиб севаман.

Робия Маннобжонова тайёрлади